

2-гурух Истеъмолчиларига ичимлик ва оқова суви хизматларини кўрсатиш учун

« 27 » январ 2022 й.

Ушбу шартнома “Наманган сув таъминоти” МЧЖнинг Уйчи туман бўлими, кейинги ўринларда “Таъминотчи” деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи О.Мамасайитов шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилувчи низом асосида иш олиб боровчи директор М.Мишников иккинчи томондан, қуйидагилар ҳақида тузилди:

I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йилга сув етказиш хажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари (бундан буён матнда II гуруҳ истеъмолчилари деб юритилади) учун сув етказиш **3 862,25** нарх бўйича **299** м³ни:

1м³ ичимлик сув учун **3 812,25** сўм (+ҚҚС 15%), + **50** сўм (махсус устама ҳақ)ни ташкил қилмоқда

1м³ оқова сув учун _____ сўм (+ҚҚС 15%) + _____ сўм (махсус устама ҳақ)

Шу тарика шартноманинг умумий қиймати **1 154 812.75** сўмни ташкил қилди. (сумма ёзув билан)

Шу жумладан, бюджет маблағларидан 68 099 192 (олтмиш саккиз миллион тўқсон тўққиз минг бир юз тўқсон икки) сўм, бюджетдан ташқари маблағларидан 0 (нол) сўм бюджетдан ташқари маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

II гуруҳ истеъмолчилари Қоидаларда белгиланган тарзда “Таъминотчи” томонидан тақдим қилинган ҳисобварақ-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Ҳазначилиги орқали сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. “Таъминотчи” «Истеъмолчи»ни O’zSt 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартга мувофиқ равишда (туман ҳудудларида ҳоким томонидан тасдиқланган сув бериш жадвалига асосан) ичимлик суви билан таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув қувурлари тариф қийматида (ҚҚС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтирилади.

1.3. «Истеъмолчи» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.11.2017 йилги “Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати курсатиш соҳасида тулов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 5241-сонли Фармонига асосан “Таъминотчи”га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни 100 % олдидан амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари”га (кейинчалик матнда – Қоидалар деб юритилади), ҳамда Наманган вилоят ҳокимининг 2019 йил “04” мартдаги 83-ф-сонли Фармойишига асосан 2019 йил 1 мартдан ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари тарифларига истеъмолчиларга ичимлик сув таъминоти учун 50 сўм/м³, оқова сув хизматлари учун 50 сўм/м³ махсус устама жорий этилган ҳақни асосий тарифга қушиб тулашни ҳамда “Таъминотчи” томонидан тақдим қилинган коммунал сув етказиб бериш ва оқова сув чиқариш тизимига уланиш учун рухсат этувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасарруфидаги барча объектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларнинг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва сув тизимига уланишдаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг миқдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, кадастр нусхасини тақдим қилади, “Таъминотчи”ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилади.

1.6. «Истеъмолчи»га белгиланган ичимлик сув таъминоти ва оқова сувларни қабул қилиб олиш миқдорий лимити (м³):

Хизмат тури	Январь	Февраль	Март	Апрел	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Жами
Ичимлик сув	99	99	101										299
Оқова сув													

1.7. «Истеъмолчи» «Water control» дастуридан ўзига керакли бўлган маълумотларни СМС хабарнома орқали олиши, ўлчаш асбобини кўрсаткичини бериши, қарздорини ҳақида ҳамда ўлчаш асбобининг ДНК муддати келганлиги тўғрисида огоҳлантирилиши мумкин. СМС хабар орқали олинган ва берилган маълумотлар расмий маълумот ҳисобланади.

II. Умумий қоидалар

2.1. Ичимлик суви билан ёқинларни суғориш, ҳовлилар, йўлакчаларига сув сепиш, ҳамда, ичимлик сувидан автомашиналарни ювиш учун ўрнатилган вақтдан ташқари фойдаланиш қатъиян ман этилади.

2.2. Сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёғинларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган.

“Таъминотчи”нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истеъмолчининг тармоқларидан сув олиб, оқова сувларини “Истеъмолчининг” канализацион тармоқларига ўтувчи суб-истеъмолчилар сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш шартномасини “Истеъмолчи” билан тасдиқланган “Қоидаларга” мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва тамғаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан тамғаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасининг ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги №-698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. “Истеъмолчи”га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш қурилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолга текширилади ва “Истеъмолчи” билан келишилади. Ҳисоблаш қурилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» сув ўлчаш тармоғини қайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қоидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш қурилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш қурилмаларини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларнинг уланиши Истеъмолчи томонидан фақат “Таъминотчи” тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар “Истеъмолчининг” сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади. “Таъминотчи”дан олинган техник шартлар асосида, “Истеъмолчи” буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан уланиш лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши “Таъминотчи” томонидан, “Истеъмолчи” ва қурилиш ташкилот вакиллариининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш қисмларининг техник ҳолати учун эксплуатацион масъулият чегараси (сув ва оқова тизимлари, қурилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжаликлари ва истеъмолчилар орасида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида қуйидагилардан иборат:

а) сув истеъмоли учун узатиш тармоғининг киритиш қурилмаси бўлиб, у коммунал тармоқдан ўчирилади. Сув қувурини, шу жумладан узатиш қурилмасини ишга тушириш истеъмолчининг ички сув узатиш тизимининг бир қисмидир;

б) оқова тизими учун магистрал оқова тизимига уланиш нуктасидаги сув чиқариш қудуғи бўлиб, у “Истеъмолчи”нинг ички оқова тизимининг бир қисмидир. Агар чиқариш оқова қудуғи магистрал оқова тармоғида жойлашган бўлса, кўрсатилган қудуқ сув-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси эса “Истеъмолчи”нинг кучи ва маблағи ҳисобига амалга оширилади.

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

- а) “Таъминотчи”дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва оқова сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз ҳаёти ва соғлиғига, мулкига хавф туғдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;
- б) “Истеъмолчи” ҳисобидан ҳисоблаш қурилмасини ўрнатиш.
- в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун “Таъминотчи”дан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;
- г) “Таъминотчи”ни шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан камида 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;
- д) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вакили орқали) бепул олиш;
- е) “Таъминотчи”дан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;
- ё) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги даълолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;
- ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик суви билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вақт) учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш.

3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- а) шартнома шартларини бажариш;
- б) ўзининг ҳудудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва оқова тармоқлари ва қурилмаларининг мувофиқ равишда қўриқлинишини, уларга сув тошиши ёки шикастланишига, музлаб қолишига йўл қўймаслик, қудуқ копоқларини қор ва муздан тозалаш, “Таъминотчи” томонидан ўрнатилган тамғаларнинг бутлигини назорат қилиш, қудуқлардан юза оқоваси мавжудлигини таъминлаш, ёнғинга қарши гидрантларга ўтиш йўлларини беркитмаслик, кўрсатилган ёнғинга қарши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлашини назорат қилиш;
- в) “Истеъмолчи” ҳудудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларнинг устига турли буюм ва материалларнинг йиғилишига ҳамда сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилмаслигини, шу жумладан, ташқи (кўча ва квартал ичидаги) сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилишига йўл қўймаслик.
- г) коммунал сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг транзит нукталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳақида зудлик билан “Таъминотчи”ни хабардор қилиш;
- д) сувни ҳисобга олиш приборларида яққол кўриниб турган носозликлар, шунингдек тамғани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ҳамда ҳисобга олинмаган ёнғинга қарши гидрантлар мавжудлиги ҳақида дарҳол ёзма равишда ёки алоқа тармоқлари (факс, электрон почта) орқали “Таъминотчи”га хабар бериш;
- е) “Таъминотчи” билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ва ушбу кўрсаткичларни “Таъминотчи”га жорий ойнинг охириг кунидан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;
- ё) шартномада белгиланган миқдордан ортиқ ҳажмда сувнинг ортиқ сарф қилинишига ва оқова сувларининг меъёрдан ортиқ чиқарилишига йўл қўймаслик;
- ж) “Таъминотчи”ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова ҳўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш;
- и) “Таъминотчи”га тегишли бўлган ёки унинг ҳудудида жойлашган сув ва оқова тармоқлари, қурима ва мосламаларнинг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;
- й) ишлаб чиқариш оқова сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиш концентрациясини меъёрдаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;
- к) оқова тармоғига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;
- л) “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган сув ўлчаш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва оқова тизимларида ҳар қандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни қўймаслик;
- м) жамоат сув ва канализация тизимларини объектларига шикаст зарар етказган “Истеъмолчи” дарҳол “Таъминотчи”га хабар бериши ва етказилган зарарни қоплаш учун “Таъминотчи” техник назорати остида ўзи етказилган шикастланишни бартараф этиш ва беҳуда сарф қилинган сув нархини тўлаши шарт.

3.3. Таъминотчининг ҳуқуқлари:

- а) “Таъминотчи” қуйидаги ҳолларда, истеъмолчини 5 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув узатишни ва сув чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга;
- б) “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларининг техник ҳолати қониқарсиз ҳолатда бўлса ва “Истеъмолчи” техник фойдаланиш қондаларини бузиш натижаларини “Таъминотчи” вакиллари талабига кўра бартараф этамаса;
- в) “Таъминотчи”нинг вакили истеъмолчи ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги бўлган сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларида ишлар олиб бориш, тамға ўрнатишга ва бошқа ишларда “Истеъмолчи” томонидан асоссиз ҳалақат берилган тақдирда;
- г) “Таъминотчи”томонидан режали олдини олиш таъмирлаш ишларини, сув ўтказиш ва оқова тармоқларида ишлар бажарилишида, “Истеъмолчи” уларга уланган бўлса, ва янги “Истеъмолчи”ларни улаш учун ишларни ўтказишда;
- д) “Истеъмолчи”нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруфидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истеъмолчиларнинг улашиб олганлиги аниқланганда;
- е) “Истеъмолчи” ўрнатилган муддатларда тўлов ҳужжатларига мувофиқ тўловни амалга оширмаганда;
- ё) “Таъминотчи”нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг “Истеъмолчи” тасарруфида бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига уланишига рад жавобини берганда;
- ж) “Истеъмолчи”лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;
- з) энергия таъминоти тўхтатилганда;
- и) табиий офатларда;
- й) аварияларда;
- к) ёнғин чиққан ерларга сув етказиш ҳажмини ошириш зарурияти туғилганда.

3.4. “Таъминотчи”нинг мажбуриятлари:

- а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартномани бажариш;
- б) сув етказилишини (худудларда ҳоким томонидан тасдиқланган сув бериш жадвалига асосан) таъминлаш;
- в) тизимли равишда давлат сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истеъмол объектлари ва қурилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларининг ҳолатини ва ишини тизимли назорат қилишни амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда “Истеъмолчи”лар сувидан оқилона фойдаланиш ва сувдан оқилона фойдаланишни аниқлаш, сувни етказиб бериш ва истеъмол қилишни қатъий назорат қилиш ва ҳисобга олиш, саноатга мувофиқлигини мунтазам равишда назорат қилиш ва уларга тенглаштирилган сув истеъмол қилиш чекловларига риоя қилишни назорат қилиш;
- г) “Истеъмолчи”ларга индивидуал ҳисоблаш қурилмаларини ўз ҳисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

д) “Истеъмолчи”лар сув қувур хўжалигининг текширишни (индивидуал ҳисоблаш қурилмасининг яхши ишлаётганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва тамғаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниқлаган ҳолда) бир ойда кўпи билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;

е) “Истеъмолчи”га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларида, жарима яъни пеня тўловларини амалга ошириш;

ё) сув таъминоти ва истеъмолига онд меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳақида “Истеъмолчи”ларни хабардор қилиш;

ж) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат ҳақи тўловларининг тарифлари ошганда, улар қучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;

з) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани “Истеъмолчи”га бепул бериш;

VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. “Таъминотчи” ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарни, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

4.2. Таъминотчи томонидан сабабсиз хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда Истеъмолчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси сабабсиз кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

Истеъмолчи томонидан кўрсатилган хизматлар учун ҳаққини ўз вақтида тўламаганлик учун Таъминотчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоиз миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди

4.3. Истеъмолчи қуйидагилар учун жавобгардир:

а) сув ҳисоблаш қурилмасидаги тамғалар, айланиш чизиги жўмраги, гидрантлар ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги қисмларнинг унинг ҳудудида ва тасарруфида бўлган тамғаланган ҳисоблаш қурилмаларининг бутунлиги ва сақланиши учун;

б) сув тармоқларига ўз бошимча улашиб олиш, совуқ сувни ҳисобга олиш қурилмаларининг қасддан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш қурилмаларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолда ўзгартириш ҳолатлари учун;

в) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда;

г) ўзбошимчалик билан қурилган иншоотлар сабабидан тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизми мавжуд бўлса “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларнинг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қондабузарлик аниқланганда “Таъминотчи” ҳодими ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома “Истеъмолчи”нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

4.4 “Таъминотчи” қуйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувнинг сифати ва қонунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) “Истеъмолчи”ларга сув таъминотига уланиш ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) “Истеъмолчи”нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, қоплаш;

г) шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслик;

д) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш қурилмаси мавжуд бўлганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ККС ва маҳсус устамани ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувнинг миқдори, сув тармоғидан етказиб бериладиган сув миқдорида тенг. Марказлашган ҳолда иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи совуқ сув миқдорида 2.0 коэффиценти қўлланилади. “Истеъмолчи”нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг маҳсулдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш қурилмаларининг кўрсаткичларига) қўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими “Истеъмолчи”нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

5.3. Объект эгаси, автоном сув таъминоти (скважина, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими)га ёки марказий коммунал оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда, “Таъминотчи” билан шартнома тузиш учун маҳсус табиий сув объектларидан сув олиш ёки чиқариш учун қўшимча рухсатнома тақдим этиши лозим.

5.4. Сув таъминотининг хусусий автоном манбаи (артезиан скважинаси, қудук, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими ва ҳ.к.) мавжуд бўлганда коммунал канализация тизимига оқоваларни оқизиш учун тўловлар, ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳисоблаш асбобининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. Истеъмолчига қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбаининг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда, “Истеъмолчи” чиқиб кетишдан 7 кун аввал дебиторлик қарзларини узиб, бу ҳақда “Таъминотчи” билан далолатнома имзолаши шарт. “Истеъмолчи” чиқиб кетгач, сувни ҳисобга олиш асбоби ва пломбаларнинг бутлиги учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юкланади.

6.2. “Истеъмолчи”нинг сув узатиш-оқова хўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан “Истеъмолчи”нинг хати келиб тушган кундан бошлаб ҳисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: М – 0.60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффиценти;

F – суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича)м²;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вақт- 24 соат, секундларда;

Қуйидаги ҳолатларда:

6.3.1. “Истеъмолчи”да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси “Таъминотчи”да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, ўрнатилган вақтдан ташқари сув сепилганда, автомашиналар ювилганда;

6.3.4 Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома 6 қисмининг

6.3 бандида кўрсатилганга мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган)кунгача ҳисобланади;

Сувни ҳисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч ҳисоб-китоб ойдаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп қўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув миқдори II-гурӯх истеъмолчилари учун Қонданинг 87-“б”-банди бўйича ҳисоб-китоб қилинади;

6.3.5. “Истеъмолчи”нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув исроф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. “Таъминотчи”нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикрок бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7 Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган химоя қопламига рухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув соф сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.4. Ичимлик суви ва оқова сув коммунал тизимларига (жумладан ёнғиндан сақланиш гидрантлари ва хонадон қувурларига) ўзбошимчалик билан улашиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, “Таъминотчи” томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан улашиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва “Таъминотчи”га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

- тўлов муддати, энг сўнгги тузилган назорат далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан улашиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан улашиб олиб ташланган кунга қадар ҳисобга олинади;

- ўзбошимчалик билан улашиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар “Таъминотчи” балансидаги тармоқларга улашиб содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

6.5. Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойҳалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиҳа муддатини чўздирishi ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, “Таъминотчи” томонидан сув узатиш хизматларини қўйишга асос бўлади.

6.6. “Истеъмолчи” коммунал сув таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш тармоқларига улашиб санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда “Таъминотчи” томонидан, ҳоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ва шу қабилар асосида, ҳужжат билан тасдиқланган улашиб санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар, “Таъминотчи” томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар “Истеъмолчи” томонидан 3 кунлик муддат ичида акцептсиз тартибда амалга оширилади.

6.8. “Истеъмолчи” ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг қирим кассаси орқали, ҳисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичида тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100 % миқдорида олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой ҳисобига қўшилади. Агар “Истеъмолчи” икки ҳафта муддат ичида тўловни амалга оширмаса, “Таъминотчи” ҳеч қандай оғохлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ёки оқова сувларни чиқариб юборишни ундирмагунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда ёнғиндан сақланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ “Истеъмолчи” зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан илгари олиб қўйилган ҳолларда қайта улашда II гуруҳ истеъмолчиларидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 (ўн) баробари миқдорида тўлов қайта улашга амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларидаги коммунал канализация тизимига жала, ёмғир ва қор сувлари рухсат этилмаган ҳолда оқизилган тақдирда истеъмолчиға нисбатан ишлаб чиқариш оқова сувларини оқизганлиги учун амалдаги тарифларга нисбатан қўшимча уч баробарлик коэффициент татбиқ этилади. Ҳисоб-китоб ташкилотнинг майдони бўйича Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун компенсация тўловларини ҳисоблаш тартибига мувофиқ кадастр ва метеорологик маълумотларга биноан амалга оширилади.

6.10. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу қабил ҳолатлар) тўғрисида “Истеъмолчи” га ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда “Таъминотчи”га тақдим этилиши керак. Эътирознома “Истеъмолчи”ни тўлов ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

6.11. Юридик шахслардан, лимитдан ортиқча сув истеъмол қилинган ҳолатларда, “Таъминотчи” ташкилоти томонидан белгиланган тарифларга нисбатан 10,0 орттирилувчи коэффициентни қўллаш йўли билан ҳақ ундирилади.

6.12. “Таъминотчи” билан “Истеъмолчи”лар, шу жумладан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасидаги, коммунал сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш элементлари (ичимлик сув ва канализация тармоқлари, иншоотлари, қурилмалари)га хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини сақлаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари ҳисобланади:

а) сув истеъмоли учун — коммунал тармоққа улашиб олиниши олиб қўйиш қулфи. Қириш қулфи билан ичимлик сувга улашиб, истеъмолчининг ички ичимлик суви тизимининг бир қисми ҳисобланади;

б) канализация учун — истеъмолчи канализация тизимининг ички қисми ҳисобланувчи, магистрал канализация тармоғига улашиб нуктасидаги чиқарув қудуғи. Агар чиқарувчи канализация қудуғи (камераси) магистрал канализация тармоғида жойлашган бўлса, ушбу қудуқ ИСКХ ташкилоти коммунал канализация тармоғининг бир қисми ҳисобланганиб, унга туташтирувчи фойдаланиш чизиги эса истеъмолчининг маблағи ва воситалари ҳисобидан амалга оширилади.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тегишли туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музқур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда оғохлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сақланади.

9.2. Шартнома ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади. Агарда томонлар ўз хоҳиш ихтиёрлари билан шартномани янгиланмаган бўлса ёки тўхтатилмаган ҳолларда ушбу шартнома кейинги даврлар учун ҳам ҳақиқий ҳисобланади.

X. Тарафларнинг юридик манзили:

«ТАЪМИНОТЧИ»

Наманган «Сувтаъминоти» МЧЖ Уйчи туман бўлими
Манзил: Уйчи ШФЙ Беруний кўчаси 20-уй
Тел: 69 48-21-814 Факс: 69 48-20-031
Х/р: 22638000100306912374
Банк: Наманган шаҳар Ипотека банки
МФО: 00223 СТИР: 200 048 456
ХХТУТ: 90213

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Уйчи туман ХТБ
Манзил Уйчи туман Беруний кўчаси 60 уй
Тел: +998 (69) 48-22-820, факс +998 (69) 48-22-820
ғаз/х-р 23402000300100001010
Банк Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ
Банк коди 0014 СТИР 201122919
ХХТУТ 97600

Шахсий ш/х/н 100022860142297096300075003

OC38705056

Рахбар _____ М.Мўминов
(Ф.И.Ш. и.м.зо)

« 27 » январ 2022 й.

Юридическое заключение:

кодекси ва "Хўжалик идоравчи субъектларнинг шартномавий-хукукий асоси тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ тизилган

« 27 » январ 2022 й.

Рахбар О.Мамасайитов
М.Ў (Ф.И.Ш. имзо)

« 27 » январь 2022 й.

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодекси ва

Хукукшунос

OC38705056

ИЛОВА

2022 йил " 27 " январдаги № 22361-сонли шартномага 2022 йил учун

ИЧИМЛИК СУВИ

(хизмат тури)

Бўлим 7096
Кичик бўлим 300
Боб 075

Ойлар	М3	Нархи	Суммаси	Индексация суммаси минг сум	Ойлар	М3	Нархи	Суммаси	Индексация суммаси минг сум
Январ	99,0	3862,25	382362,75		Июл	0,0	3862,25	0,00	
Феврал	99,0	3862,25	382362,75		Август	0,0	3862,25	0,00	
Март	101,0	3862,25	390087,25		Сентябр	0,0	3862,25	0,00	
1-Ч о р а к	299,0		1154812,75		3-Ч о р а к	0,0		0,00	
Апрел	0,0	3862,25	0,00		Октябр	0,0	3862,25	0,00	
Май	0,0	3862,25	0,00		Ноябр	0,0	3862,25	0,00	
Июн	0,0	3862,25	0,00		Декабр	0,0	3862,25	0,00	
2-Ч о р а к	0,0		0,00		4-Ч о р а к	0,0		0,00	
Умумий жами						299,0		1154812,75	

2022 йил учун миқдор 299 М3, сумма 1 154 812,75 сум



О.Мамасайитов



М.Мўминов

**YURIDIK AXAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№- OC38705056

1. loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi:

2-guruh istemolchilariga ichimlik va oqava suvi hizmatlarini ko'rsatish to'g'risida shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida malumot:

Uychi tuman xalq ta'limi bo'limi tomonidan 2022 yil 27 yanvar kuni ishlab chiqilgan va mazkur dasturga kiritilgan.

Hujjatni qonuniyligini o'rganishga asoslar:

- Hizmat ko'rsatish bo'yicha O'zbekiston Respublikasi FKning 364,366, 703-706-moddalar,
- Yuridil shaxsni davlat ro'yhatidan o'tkazish guvohnomasi №-00564.
- to'lov spetsifikatsiyasi

Xulosa: "Namangan suv ta'minoti" MCHJ bilan 22361-sonli 2-guruh istemolchilariga ichimlik va oqava suvi hizmatlarini ko'rsatish to'g'risidagi shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti :



I.To'raev

2022 yil «27» yanvar